



Научно-практический электронный журнал

МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



9 772658 799001 >

**Выпуск №35 (том 7)
(апрель, 2022)**



Международный научно-образовательный
электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»

УДК 37

ББК 94

**Международный научно-образовательный электронный журнал
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №25 (том 7) (апрель,
2022). Дата выхода в свет: 30.04.2022.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Миссия научно-образовательного электронного журнала «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает работников сферы образования (воспитателей, педагогов, учителей, руководителей кружков) и школьников, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов

СОДЕРЖАНИЕ

Название научной статьи, ФИО авторов	Номер страницы
ДОПОЛНИТЕЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ	
MTTDA FAVQULODDA VAZIYATLAR YUZAGA KELGANDA BIRINCHI TIBBIY YORDAM KO'RSATISH Ondayev Sherzod Hakimovich	26
EKOLOGIK MUHIT BUZILISHINING INSON HAYOTIY FAOLIYATIGA ZARARLI TASIRI VA UNING NATIJASIDA YUZAGA KELAYOTGAN MUAMMOLI VAZIYATLAR Ondayev Sherzod Hakimovich	31
СУВ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ Маматкулов М.Ш., Ш.К.Примова, У.Байдовуров	35
JAMIYATDA AYOLLAR HUQUQBUZARLIGI UCHUN BERILGAN JAZOLAR VA ULARNING HUQUQI VA MANFAATLARI Inomjonov Zaxiriddin Zafarjon O'g'li, Alijonova Durdona Dilmurodjon qizi	39
AESTHETIC VALUE IN ENGLISH AND UZBEK NATIONAL CULTURES Kenjayeva Muxlisa Baxodir qizi, Yusupova Shoira Batirovna	43
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA YOSHLAR MASALASIGA DOIR QABUL QILINGAN QONUNLAR Inomjonov Zaxiriddin Zafarjon O'g'li, Ahmadjonova Hamidaxon Shavkatjon qizi	55
DAVLAT ORGANLARI VA TASHKILOTLARIGA YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH FAOLIYATINI YANADA TAKOMILLASHTIRISH CHORA-TADBIRLARI Ikrom O'rolovich Baxtiyorov	59
BOLALARGA CHET TILINI O'RGATISHNING ZAMONAVIY USULLARI HAQIDA BA'ZI MULOHAZALAR Sindorov R.	65
ORTA ASIR U'STIRT KOSHPELILERI JERLEW TARTIPLERI XRONOLOGIYASI MASHQALASI Erlepesova Dilnura Muratbaevna	69
PEDAGOGIK KOMPETENTLLIK VA UNI BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARIDA RIVOJLANTIRISH ASOSLARI Hasanova Feruza Norxujayevna	72
JISMONIY VA RUHIY SALOMATLIK- BARKAMOL SHAXSNI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIY MEZONIDIR Haydarova Shahlo Hayot qizi	75

ФИО авторов: *Маматкулов М.Ш.* (и.ф.д.), “ТИҚХММИ” МТУ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти

Ш.К.Примова, У.Байдовуров - 205 гуруҳ магистранти

Тошкент ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти. Миллий тадқиқот университети.

Название публикации: «СУВ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ»

Аннотация

Мақолада Сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисобининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида сўз боради. Сув таъминоти корхоналарида молиявий-иқтисодий самарадорликка эришишда асос сифатида амалдаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ҳисобланиб, бу молиявий ва статистик кўрсаткичларни шакиллантиришда муҳим ўрин тутиши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари сув таъминоти соҳасида-қайта ташкил этиш ва ваколатларни қайта тақсимлаш борасида режалаштирилган масалалар борасида сўз боради.

Калит сўзлар: Рақамли сув таъминоти корхонаси, Осиё тараққиёт банки, Корпаратив тузилма, Ягона сув баланси

Кириш

Сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисобини ва таҳлилини жорий этиш, корхона фаолиятини ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бюджет маблағларини самарали сарфлашга қаратилган ахборот тизимини шакллантиришга имкон беради. Бошқарувни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш усулларида фойдаланиш сув таъминоти корхоналари раҳбарлари учун юқори сифатли маълумотларни шакллантиришга ва ички молиялаштириш захираларини аниқлашга, шунингдек, корхона ичидаги инқироз ҳодисаларини ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши мамлакат аҳолиси ва иқтисодиётининг барча тармоқларини сув ресурслари билан таъминлайдиган ташкилотларни самарали функционал бошқариш зарурлигини келтириб чиқаради. Фавқулотда инқироз ҳодисалари намоён бўлган даврда сув таъминоти тизимини ислоҳ қилиш учун давлат маблағлари етишмаслиги шароитида тартибга солинган қонунчилик базаси билан тизимни бошқаришни янги технологияларини топиш керак.

Муаммонинг қўйилиши

Сув таъминоти корхоналарида бошқарувни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш тизимларининг йўқлиги бошқарув қарорлари самарадорлиги пасайишига олиб келади. Сув таъминоти корхоналарида уларнинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бошқарув исоби ва таҳлилини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлган ахборот тизимини шакллантиришга имкон беради.

Ушбу маммоларнинг ечими ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрда имзолаган Фармони ва қарорида сув таъминоти соҳасидаги ислохотларнинг навбатдаги босқичи назарда тутилган.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлашни мувофиқлаштириш соҳасида, шунингдек ягона сув балансини шакллантириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланган. Шу муносабат билан унинг зиммасига қўшимча вазифалар юкланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун вазирлик марказий аппарати таркибида янги учта бошқарма ташкил этилган, уларга вазирнинг биринчи ўринбосари мутасаддилик қилади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги таркибига ўтказилади. Амалдаги вазифалари, функциялари ва молиялаштириш тартиби сақлаб қолинади.

Вазирлик республика сув балансининг ягона ахборот тизимини юритади. Унда ваколатли вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этилган Ягона давлат сув фонди сувларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги сувни ҳисобга олишнинг тўғрилигини, унинг хавфсизлиги ва сифатини тасдиқланган ва янгиланган маълумотларни ягона маълумотлар базасига киритган ҳолда мониторинг қилади, шунингдек аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқади. Сувни ҳисобга олиш ҳолати, унинг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, республиканинг ягона сув балансини шакллантириш тўғрисидаги ҳисобот аниқ таклифлар билан тизимли равишда Президент Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Бу ишларга етакчи хорижий экспертлар жалб этилган. Хусусан, Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлашнинг ягона марказлаштирилган тизимини

яратиш, «Рақамли сув таъминоти корхонаси» тизимини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Тайёрланаётган стратегиянинг йўналишларидан бири – сув таъминоти корхоналарини сув таъминоти ва сув чиқариш тизимлари объектларини эксплуатация қилишда ягона оператор функциясини бажаришни амалга оширадиган алоҳида корпоратив тузилма этиб қайта ташкил этиш. «Ўзсувтаъминот» АЖ шундай тузилмага айлантирилади, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимидаги ДУК устав капиталидаги активлар ва давлат улушлари унга ўтказилади. Ушбу корхоналар 2020 йил 1 майга қадар шартномалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворислик шартларида МЧЖга қайта ташкил этилади. Бунда сув таъминоти корхоналарининг қарзи қайта таркибланиб, 5 йил муддатга кечиктирилди, шу муддатдан кейинги 5 йил мобайнида ҳар ой бир меъёрда сўндирилади, ҳисобланган пеня эса ҳисобдан чиқарилади.

Тадқиқот натижалари

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисобини ва таҳлилини юритиш орқали соҳадаги муаммо бўлиб турган сув учун тўловларнинг тўлиқлиги, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтириш ва асосийси сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасидаги Лойиҳалар тайёрланишини молиялаштириш ва бунинг натижасида сув таъминоти корхоналарида замонавий технологиялар ва ўлчов асбоблари билан таъминланишига эришилади. Шуни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрда имзолаган Фармони ва қарорида 2020 йил 1 январдан «Ўзсувтаъминот» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларига тўловларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтириш вазифаси юклатилади. Айти пайтда бу вазифани Мажбурий ижро бюроси бажармоқда.

Сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасидаги Лойиҳалар тайёрланишини молиялаштириш жамғармасини шакллантириш ҳамда лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни кейинчалик молиялаштириш учун Осиё тараққиёт банки 15 млн АҚШ доллари миқдорида қарз маблағлари ажратади. Бунинг ҳисобига соҳада замонавий ахборот ва ресурс тежовчи технологиялар, шунингдек ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича иншоотларнинг замонавий ўлчов асбоблари (сарф ўлчагичлари) пайдо бўлади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисобини юритилиши соҳанинг келажакдаги истиқболи учун муҳим ҳисобланади.

Қолаверса, раҳбарият ва юқори орган вакиллари учун соҳанинг молиявий аҳволи билан танишиш ва мавжуд муаммоларга тезроқ ечим топиш имконини беради. Бундан ташқари, мамлакатимиз сув захираларини тежаш, ундан оқилона фойдаланиш, ҳамда давлат бюджетини мақсали йўналтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. [https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/suv_taminoti_sohasida -
qayta_tashkil_etish_va_vakolatlarni_qayta_taqsimlash](https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/suv_taminoti_sohasida_-_qayta_tashkil_etish_va_vakolatlarni_qayta_taqsimlash)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5883-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 5883-сонли Қарори
4. КЭН Каплина Марина Сергеевна диссертации на тему “Развитие управленческого учёта и анализа на предприятиях водоснабжения и водоотведения”